



# Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 14 апрель, сешанба, №42 (3688).



»» Президент

## ҚОЗОҒИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН: стратегик ҳамкорлик янги босқичда

**Бухоро шаҳрида Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг учрашуви ўтди.**



Барча даражалардаги алоқалар, жумладан, ҳукуматлараро ва парламентлараро ҳамкорлик фаоллашди.

Товар айирбошлаш барқарор ўсиб, ўтган йили 5 миллиард долларга етди. Автомобилсозлик, инфратузилмани ривожлантириш, логистика, электротехника, қурилиш материаллари ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Кимё, геология, энергетика, автомобиллар учун бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалардаги қатор янги ташаббуслар кўриб чиқилди.

Транспорт ва логистика соҳасида ўзаро алоқадорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чегараолди инфратузилмасини замонавийлаштириш, тўсиқларни бартараф этиш ва ташқи бозорларга чиқишни таъминловчи самарали транспорт йўлакларини барпо этиш юзасидан қўшма чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, томонлар "Қамбарота" гидроэлектр станцияси қурилиши каби йирик минтақавий лойиҳаларни жадаллаштириш ва "яшил" энергия экспорти бўйича ташаббусларни илгари суриш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

(Давоми 2-бетда.)»

Мулоқот доирасида Ўзбекистон – Қозоғистон дўстлик, стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Музокаралар аввалида Ўзбекистон раҳбари Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевни янги Конституция бўйича референдум муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади.

Худудларда мунтазам равишда норасмий учрашувлар ўтказиш яхши анъананага айланиб, икки томонлама ва минтақавий кун тартибидаги долзарб масалаларни очиқ ва амалий тарзда муҳокама қилишга хизмат қилаётгани таъкидланди.


Ўтган йил ноябрь ойида Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида эришилган келишувларнинг амалий натижалари мамнуният билан қайд этилди.

### ПРЕЗИДЕНТ ДОНАЛД ТРАМПГА ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ

Давлат раҳбари АҚШ Президентига ярим асрдан буён Ойга парвоз ва тадқиқотларда янги тарихий босқични бошлаб берган "Артемид-2" лойиҳасининг муваффақиятли якунлангани муносабати билан табрик йўллади.

Президент Америка илм-фанининг илгор ютуқларига юксак баҳо берди.

"Ушбу лойиҳа билим уфқларини кенгайтиради ва бутун дунё бўйлаб олимлар, муҳандислар ва тадқиқотчиларнинг янги авлодлари учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади", деди Президент.



### ОЛИМЛАРГА КВАРТИРАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Халқаро фан қуни арафасида Президент соҳада улкан ютуқларга эришган ва олий таълим ривожига салмоқли ҳисса қўшган олимларга давлат мукофотларини топширди.

Қозоғистон Республикаси Президентининг давлат мукофотларини топшириш тўғрисидаги фармонида бир гуруҳ олимлар "Парасат" ордени, "Қўрмёт" ордени, "Ерен еңбегі үшін" медали ва "Қазақстанның еңбек сіңірген қайраткері" фахрий унвони билан тақдирлангани баён қилинган.

Шунингдек, Давлат раҳбари бир гуруҳ ёш олимларга квартира қалитла-

рини тантанали равишда топширди.

Тақдирлаш маросимида Жангирхан номидаги Ғарбий Қозоғистон аграр-техника университети лаборатория мудири Сарсенбек Мўнтаев, Генетика ва физиология институти профессори Анастасия Перфильева ва Ядро физикаси институти Астана филиалининг катта илмий ходими Алишер Мутали сўзга чиқди.

### ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Давлат раҳбари Қозоғистон миллий бокс терма жамоасини Улан-Баторда ўтган Осиё чемпионатидаги муваффақиятли иштироки билан табриклади. Бу ҳақда Президент маслаҳатчиси – Матбуот котиби Айбек Смадияров маълум қилди.



Президент спортчилар умумий жамоа ҳисобидан биринчи ўринни эгаллаганини алоҳида эътироф этиб, бу натижа мамлакат спорти тараққиётидаги муҳим ютуқ эканини таъкидлади. Шунингдек, у маҳаллий бокс мактабининг юксак салоҳияти ва тайёргарлик даражаси халқаро майдонда яна бир бор намоён бўлганини қайд этди.

Табрикномада Ўзбек Асилқулов, Сабиржан Аққалиқов, Нурбек Уралбай, Айбек Уралбай, Надежда Рябцев ва Дина Исламбекова каби спортчилар шохсупага кўтарилиб, умум муваффақиятга улкан ҳисса қўшганига эътибор қаратилди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев қозоғистонлик бокс усталарининг жаҳон мусобақаларида ҳам юксак натижаларга эришиб, мовий байроғимизни сарбаланд этишда давом этишларига ишонч билдирди ва уларга омад тилади.

Эслатиб ўтамыз, Мўғулистон пойтахти Улан-Баторда ўтган «World Boxing» доирасидаги 2026 йилги Осиё чемпионатида Қозоғистон миллий бокс терма жамоаси медаллар жадвалида 1-ўринни эгаллади.

### ҚУРУЛТОЙ САЙЛОВЛАРИ АВГУСТ ОЙИДА ЎТАДИ

Давлат раҳбари Қ. Тўқаев ушбу маросимда Конституция кучга кирган пайдан эътиборан бир палатали Қурултойга сайловлар ўтказиш тўғрисидаги Фармонни имзолашини маълум қилди.

– Давлат раҳбари сифатида мен мамлакатимиз учун муҳим воқеалар ҳақида аввалдан ахборот беришни жуда муҳим деб биламан. Конституция кучга кирган пайдан эътиборан бир палатали Қурултой сайловларини ўтказиш тўғрисидаги Фармонни имзолайман. Сайловлар шу йил август ойида ўтади. Партиялар ўз режаларини аниқлаштириш ва сайлов мавсумига тайёргарлик кўриш учун

етарли вақтга эга бўлишлари учун ушбу ахборот аввалдан тақдим этилмоқда.

Қурултой сайловлари Қозоғистоннинг бутун сиёсий тизимига кенг қамровли "қайта қуриш" йўлини очади. Шу билан бирга, биз амалга ошираётган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар жамоатчилик онгида ижобий ўзгаришларни шакллантиришга ҳисса қўшиши керак, – деди Давлат раҳбари.

»» Обуна – 2026

Хурматли газетхонлар! Ўтган 35 йил мобайнида "Жанубий Қозоғистон" газетаси саҳифаларида қалами ўткир журналистларнинг кўплаб долзарб мақолалари чоп этилди ва шунингдек, эл-юрт раҳнақига муносиб ҳисса қўшаётган фидойи инсонлар, баркамол авлод тарбияси йўлида меҳнат қилаётган турли соҳа вакиллари ҳақида суҳбат ва очерклар тақдим этилмоқда.

Асосий эътибор, албатта, ижтимоий мавзуларга ҳам қаратилмоқда. Чунки ҳар бир муштарий, аввало инсон. Уни пенсия, болалар нафақаси, дам олиш ва саломатлиги билан боғлиқ мавзулар қизиқтиради, турли касб эгалари фаолиятига оид янгиликлардан

## 35 йил – сиз билан!

воқиф бўлгиси келади. Тахририят одамлар маънавий дунёқарашини юксалтириш билан бирга ана шу масалаларга ҳам эътибор қаратади, малакали мутахассислар ёрдамида муштарийга зарур ва фойдали тавсияларни беради, муаммоларни биргаликда ҳал қилишга ҳаракат қилади.

Асосий мақсадимиз ҳам айнан шу. Келаётган мактублардаги миннатдорчилик сўзлари бизга илҳом беради, руҳлантиради. Барча муштарийларимизга, биз билан узоқ йиллардан буён ҳамкорлик қилиб, ўзининг энг сара асарларини тақдим этаётган ижодкорларга раҳмат айтамыз.

Умид қиламызки, ҳамкорлигимиз туфайли "Жанубий Қозоғистон"нинг адади ортиб, янада оммалашади, ўз анъаналарига содиқ ҳолда янада қизиқарли ва сеvimли газетга айланади.

Ҳозир давом этаётган обуна мавсумида бизни қўллаётган барча ҳамюртларимизга миннатдорчилик изҳор этади ва келгуси ярим йиллик учун обуна бўлишга чорлаймиз.

**6 ойлик обуна баҳоси:**  
"Қазпошта" ҲЖ орқали – 5230 тенге.

ТАХРИРИЯТ.



# ҚОЗОҒИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН: стратегик ҳамкорлик янги босқичда



(Давоми. Боши 1-бетда).

Сув захираларидан оқилонга фойдаланиш ва минтақавий экологик ташаббусларни илгари суриш, шу жумладан, чегарадош ҳудудларда "Тоза ҳаво" лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан ҳамкорликда ишлаш муҳимлиги қайд этилди.

Етакчилар инновацион ва юқори технологик соҳаларда, жумладан, космик технологиялар, рақамлаштириш, электрон тижорат ва истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш қатъийлигини маълум қилдилар.

Маданий-гуманитар алмашувларни фаоллаштириш, жумладан, маданият кунлари, ёшлар анжуманларини ўтказиш, ижодий иқтисодиёт ва сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга келишиб олинди.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Учрашув давомида бош вазирлар ўринбосарларнинг савдо-иқтисодий кун тартибининг долзарб жиҳатлари, жумладан, яқин истиқболда ўзаро савдони 10 миллиард долларга етказиш

борасида кўрилаётган чоралар юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Музокаралар якунида ҳукуматларга эришилган келишувларни амалга ошириш юзасидан "йўл харитаси"ни қабул қилиш топширилди.

\*\*\*

Ташриф доирасида Қозоғистон ва Ўзбекистон Президентлари Баҳоддин Нақшбанд мажмуасига ташриф буюриб, унинг мақбарасини зиёрат қилди.

Бухоро шаҳридан 12 чақирим узоқликда жойлашган мажмуа минтақадаги энг муҳим зиёратгоҳлардан бири ҳисобланади. Бу ерда XIV асрнинг йирик уламиси – нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоддин Нақшбанд дафн этилган.

Қозоқ ва ўзбек халқларининг дини, маънавий қадриятлари бир. Шу боис, буюқ авлиё ва алломалар икки мамлакатда ҳам эъзозланади. Баҳоддин Нақшбанд ана шундай сиймолардан биридир.

\*\*\*

Сўнг Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бухоро вилояти ҳокимлиги вазият маркази фаолияти билан танишдилар.

Марказда ижтимоий-иқтисодий тараққиётдан тортиб, сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш, коммунал ва транспорт инфратузилмаси, жамоат хавфсизлиги ҳолати, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашга, умуман, вилоят ҳаётининг барча жабҳалари бўйича маълумотлар жадал шаклланди, қайта ишланади ва тизимли равишда таҳлил қилинади.

Ташриф давомида Қозоғистон Президентига ноёб архив ҳужжатларининг нусхалари ҳам кўрсатилди. Бу Ўзбекистонда аниқланган, Туркистонда жойлашган Хожа Аҳмад Яссавий ва Мирзо Улугбекнинг қизи Робия Султонбегим мақбараларига алоқадор 1920-1950 йилларга оид қимматли ҳужжатлар, чизмалар ва фотоматериаллардир.

Қардош қозоқ халқига ва икки мамлакатнинг умумий тарихига ҳурмат белгиси сифатида ушбу архив ҳужжатларининг нусхалари Қозоғистон томонига ҳадя қилинди.

Ҳозирги кунга қадар аксарияти илмий муомалага киритилмаган бу материаллар тарихий ва илмий аҳамиятга эга экани қайд этилди. Ноёб меъморчилик ёдгорликлари бўлган Аҳмад Яссавий ва Робия Султонбегим мақба-

ралари Марказий Осиё халқларининг умумий тарихий-маданий меросида алоҳида ўрин тутиши таъкидланди.

\*\*\*

Икки давлат раҳбарлари Бухоро шаҳрининг оммабоп спорт мажмуасида ўтказилаётган "National AI Hackathon" – сунъий идрок бўйича умуммиллий ҳақатонга ташриф буюрдилар.

Ушбу тадбир давлатимиз Ўзбекистон раҳбари ташаббуси билан ушбу мамлакатда сунъий идрок экотизмини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган изчил сиёсат доирасида ташкил этилганини қайд этилди.

Етакчиларга рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш борасидаги ишлар натижалари тақдимот қилинди. Хусусан, "Рақамли ҳукумат" тизими, транспорт, боғхона, солиқ, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, энергетика, геология, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ечимларни ўз ичига олган рақамли трансформация жараёнлари ҳақида ахборот берилди.

Давлат раҳбарларига ҳақатон ўтказиш концепцияси ва иштирокчиларнинг турли соҳалардаги долзарб

муаммоларни ҳал қилишга қаратилган лойиҳалари тақдим этилди.

Очиқ мулоқот давомида ёшларнинг мазкур соҳага қизиқиши юқорилиги, йигит-қизларнинг ижодий салоҳияти ва сунъий идрок технологияларини амалий қўллашга бўлган иштиёқи юксак баҳоланди.

Ташриф якунида Президентлар ҳақатон иштирокчилари ва стартап ҳамжамияти вакиллари билан эсдалик учун суратга тушдилар.

\*\*\*

Президентлар Бухородаги қўшма дастур доирасида Ўзбекистондаги етакчи тўқимачилик корхоналаридан бири – Бухоро шаҳрида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг тўлиқ занжирини йўлга қўйган "Нигора" компаниясининг ишлаб чиқариш корхоналарига ташриф буюрдилар.

Ушбу лойиҳанинг қиймати 35 миллион долларни ташкил этиб, 2024 йил август ойида ишга туширилган. Бу ерда 840 нафар ходим иш билан таъминланган, уларнинг аксариятини хотин-қизлар ташкил этади.

Бу ерда ҳар йили 20 миллион погон метр тайёр мато ва 1 миллион дона тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

\*\*\*

Сўнг Президентлар "MERGANTEKS" пахта-мат кластери фаолияти билан танишдилар.

Бу ерда хомашёни қайта ишлашдан тортиб, тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга бўлган тўлиқ ишлаб чиқариш цикли йўлга қўйилган.

Президентларга корхона ишлаб чиқариш самарадорлиги ва халқаро сифат андазаларини таъминлайдиган замонавий юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланганлиги маълум қилинди.

Кластернинг ишлаб чиқариш тузилмасига пахтани қайта ишлаш фабрикаси, иккита ип йиғириш фабрикаси, тўкув ва бўяш цехлари ва тикувчилик фабрикаси кирди.

Маҳсулот Польша, Туркия, Исроил, Босния ва Герцеговина, Эрон ва бошқа мамлакатларга етказиб, экспорт қилинади.

Akorda.kz  
маълумотлари  
асосида.

## ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК: Комиссиянинг бешинчи йиғилиши ўтди

Самарқанд шаҳрида Қозоғистон Парламенти Сенати ва Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати ўртасида ўзаро ҳамкорлик юзасидан комиссиянинг V йиғилиши ўтди.

Тадбирда Қозоғистон Сенати Раиси Маулен Ашимбаев, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ҳамда Комиссия аъзолари иштирок этди.

Йиғилиш аввалида Сенат Раиси Танзила Норбоева ўз сўзида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги иттифоқчилик муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва тараққиёт истиқболлари, шунингдек, стратегик ҳамкорликни чуқурлаштиришда парламентларо алоқаларнинг аҳамияти салмоқли эканлигини таъкидлади. Шунингдек, икки давлат ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари бугунги кунда аниқ амалий натижалар билан бойиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Қозоғистон Сенати Спикери Маулен Ашимбаев давлат раҳбарлари Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Шавкат Мирзиёев икки томонлама ҳамкорликка юксак суръат бағишлаётганини таъкидлади. Бу жараёнда парламентларо ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди.

Комиссия фаолияти доирасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш, Орол денгизи муаммоларини ҳал этиш, Оролбўйи экотизмини муҳофаза қилиш, шунингдек, илм-фан ва экология соҳасидаги таълим лойиҳаларини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, қўшма лойиҳаларни янада кенгайтириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Йиғилиш давомида ўзаро ҳамкорлик



бўйича комиссиянинг ҳамраислари – Қозоғистон Парламенти Сенати Раисининг ўринбосари Жақип Асанов ва Сенат Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, стратегик ҳамкорликни ривожлантиришда парламентларо алоқаларнинг аҳамияти ҳақида гаплашди.

Шунингдек, сиёсий, савдо-иқтисодий, "яшил" иқтисодиёт, энергетика, таълим ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари қўриб чиқилди. Парламентларо ҳамкорлик олий даражада эришилган келишувларни

қонунчилик жиҳатидан таъминлашда ва улар ўз вақтида ижро этилишида муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Йиғилишда аввалги Комиссия йиғилишларида эришилган келишувларни амалга ошириш жараёни юзасидан ахборот берилди.

Муҳокама қилинган масалалар эришилган келишувларни қайд этиб, парламентларо ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини маълум қилдилар.

Алишер СОТВОЛДИЕВ,  
Қозоғистон Республикаси  
Парламент Сенати депутати.

## ЕВРОПАГА ЭНЕРГИЯ ЭКСПОРТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲУЖЖАТ МАЪҚУЛЛАНДИ

Сенатнинг навбатдаги мажлисида "Озарбайжон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида яшил энергия ишлаб чиқариш ва узатиш соҳасида стратегик шериклик тўғрисидаги битимни ратификация қилиш тўғрисида"ги Қонун маъқулланди.

Ушбу битим уч давлат раҳбарлари томонидан 2024 йил 13 ноябрда Боқуда имзоланган. Ҳужжатнинг мақсади уч давлат ўртасида қайта тикланадиган энергия манбаларининг ривожлантириш соҳасида узоқ муддатли стратегик шериклик учун ҳуқуқий асос яратишдир.

– Ҳужжат энергетика тизимларини интеграциялаш ҳамда Европа ва бошқа минтақаларга "тоза" энергия транзитини ташкил этиш учун асос яратади. Битим электр энергиясини ишончли ва узлуксиз етказиб беришни таъминлаш мақсадида техник ва тижорат шартларини белгилайди. Бу Қозоғистонга экспорт йўналишларини ранг-баранглаштириш ва Қора денгиз сув ости электр тармоғи лойиҳаси орқали Европа Иттифоқининг "яшил" энергия бозорига кириш имконини беради. Қонун шунингдек, экологик тоза водород ва аммиак ишлаб чиқариш ва ташиш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун йўл очади. Бу углерод нейтраллигига эришиш борасида миллий стратегиямизни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга, – деди Суйиндик Алдашев.

Ҳужжатни ратификация қилиш мамлакатимизга минтақавий энергетика маркази сифатидаги макomini мустаҳкамлаш ва кам углеродли маҳсулотлар экспорти орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш имконини беради.

– Қозоғистон 2040 йилгача водород энергиясини ривожлантириш бўйича янгиланган концепцияни қабул қилди. Бугунги кунда Қозоғистон қайта тикланадиган энергия манбаларининг салоҳиятини фаол равишда ошироқда. Энергетика вазирлигининг 2026 йилнинг биринчи чораги маълумотларига кўра, мамлакатда умумий қуввати 3607 МВт бўлган 164та қайта тикланадиган энергия иншооти мавжуд. Ўтган йил натижаларига кўра, "яшил" энергия ишлаб чиқариш ҳажми 8,6 миллиард кВт/соатни ташкил этди, бу мамлакатдаги умумий ишлаб чиқаришнинг 7 фоизини ташкил этади. Ушбу энергия йўлагининг ишга туширилиши бизга Каспий минтақаси ва Марказий Осиёнинг табиий захираларидан самарали фойдаланиш учун минтақавий ҳамкорлар билан кучларни бирлаштириш имконини беради, – деди депутат.

# САВДО, ТУРИЗМ, РАҚАМЛАШТИРИШ:

## ҚОЗОҒИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

**Kazinform.** Мажлис раиси Ерлан Қўшанов Бухорода Қозоғистон Парламенти Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасидаги Парламентларо ҳамкорлик кенгашининг учинчи йиғилишида нутқ сўзлади.

Ерлан Қўшанов икки давлат раҳбарлари Қасим-Жўмарт Тўқаев ва Шавкат Мирзиёев ўртасидаги сиёсий мулоқот икки мамлакатдаги барча ҳоқимият тармоқлари ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг кафолати эканлигини таъкидлади.

– Қозоғистон Ўзбекистон билан асрлар давомида шаклланган дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратади. Давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчиликнинг намунали модели шаклланди. Парламентларо ҳамкорлик кенгашининг фаолияти ҳам Президентлар томонидан эришилган келишувлар доирасида амалга оширилмоқда. Ўтган йили Алматиде ўтган учрашувда иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболларини муҳокама қилдик ва эришилган натижаларни янада ри-



вожлантириш йўллари юзасидан фикр алмашидик. Бундан ташқари, маданият, таълим ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди. Бугунги учинчи йиғилиш кун тартиби жуда мазмунли. Делегацияларимиз ҳамкорликнинг барча соҳаларини ҳар томонлама муҳокама қилдилар, – деди Мажлис раиси.

Мажлис раиси икки мамлакат депутатлари ўртасидаги

Президентларимизнинг яқин дўстона муносабатлари туфайлидир. Шу муносабат билан, Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг 2025 йил ноябрь ойида Ўзбекистонга ташрифини алоҳида таъкидламоқчиман. Ташриф давомида икки томонлама ҳамкорликини мустаҳкамлашга

амалга оширишга алоҳида эътибор қаратди. Улардан бири “Термиз” халқаро савдо маркази ҳудудидаги “Қозоғистон савдо павильони”. Шу муносабат билан Ерлан Қўшанов икки мамлакат депутатларининг асосий вазифаларидан бири саноат, инфратузилма ва логистика соҳасидаги қўшма лойиҳаларни қонунчилик доирасида қўллаб-қувватлаш эканлигини таъкидлади.

Қозоғистон делегацияси раҳбари 2024-2029 йилларга мўлжалланган “Тоza Қозоғистон” экологик маданиятини ривожлантириш концепцияси ҳақида ҳам фикр юритди. Шунингдек, у Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий экологик саммити шу йилнинг апрель ойида Астанада ўтишини маълум қилди ва ўзбекистонлик ҳамкасбларини унда фаол иштирок этишга чақирди.

Ерлан Қўшановнинг сўзларига кўра, ахборот технологиялари “рақамли кўприк”га айланади ҳамда Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди. Ушбу йўналишда “Astana Hub” ва “IT Park Uzbekistan” биргаликда, “Central Asian Innovation Hubs” ягона бренди остида ягона технологик марказни ташкил қилмоқдалар.

Йиғилишда минтақавий сайёҳликни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мажлис раиси икки мамлакат раҳбарлари сайёҳлик инфратузилмасини замонавийлаштириш ва хорижий сайёҳларни жалб қилиш вазифасини қўйганликларини эслатди. Давлат раҳбарлари 2026-2027 йилларга мўлжалланган туризм соҳасида ҳамкорлик юзасидан қўшма ҳаракатлар режасини имзоладилар. Ушбу ҳужжат умумий сайёҳлик маконини жадал ривожлантиришга қаратилган.

Учрашувда «Kazakh Tourism» МК” ХЖ бошқаруви раиси Талғат Ғазизов ушбу келишувнинг ижроси ҳақида ҳисобот берди. 2025 йил натижаларига кўра, Марказий Осиёга ташриф буюрган сайёҳларнинг ярмидан кўпи Қозоғистон ва Ўзбекистондан келган. Шу муносабат билан, хорижликлар томонидан чегараларо йўналишларга талаб юқори. Шу муносабат билан икки мамлакат ўртасида темир йўл ва автобус йўналишлари жадал ривожланмоқда.

Парламентларо кенгаш аъзолари савдо-иқтисодий ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорликини ривожлантириш, барқарор тараққиёт, “яшил” иқтисодиёт ва энергетика масалаларини муҳокама қилишди. Рақамлаштириш ва ахборот технологиялари, шунингдек, маданият ва таълим соҳаларидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Парламентларо ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишини Туркестонда ўтказиш режалаштирилган.

Эслатиб ўтадик, жорий йилнинг ўтган икки ойи ичида Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо айланмиси 830 миллион доллардан ошди.



# САЙЁҲЛИК ИНДУСТРИЯГА АЙЛАНМОҚДА

**Kazinform.** 2025 йил натижаларига кўра, Қозоғистон сайёҳлик саноати асосий кўрсаткичлар бўйича барқарор юксалди. Маҳаллий сайёҳлар сони ва хориждан сайёҳлар оқими ортмоқда. Шу билан бирга, сармоя ва бизнес даромадлари сезиларли даражада кўпайди.

Хусусан, турар жой биноларида қолган маҳаллий сайёҳлар сони 10,1 миллион кишига етди, бу 2024 йилга нисбатан қарийб 1 миллионга кўп. Хорижий меҳмонларнинг қизиқиши ҳам ортмоқда: меҳмонхона хизматларидан фойдаланувчи сайёҳлар сони 1,4 миллион кишини ташкил этди, бу ўтган йилга нисбатан 132,3 минг кишига кўп.

Умуман олганда, 2025 йилда Қозоғистонга турли сайёҳлик мақсадларида 15,7 миллион хорижий фуқаро ташриф буюрган (иш ёки доимий яшаш учун келганлар бундан мустасно). Улардан 11,1 миллион киши сайёҳ сифатида рўйхатдан ўтган. Бу кўрсаткич ҳам ўтган йилга нисбатан юқори.

Туризм индустриясининг иқтисодий самардорлиги ҳам юксалмоқда. Турар жой бинолари, дам олиш марказлари ва меҳмонхоналарнинг умумий даромади 350,6 миллиард тенгени ташкил этди, бу бир йил ичида 50,8 миллиард тенгеге кўп. Сайёҳлик инфратузилмаси кенгайди, турар жой бинолари сони эса 4482тага етди. Натижада бир вақтнинг ўзига қабул қилиш қуввати 233 мингдан ортқ ўринга етди.

Сарможий фаоллик сезиларли даражада ошди. 2025 йилда соҳага жалб этилган сармоялар ҳажми 32,6 фоизга ўсиб, 1 256,9 миллиард тенгеге етди (2024 йилда – 947,6 миллиард тенге).

Умумий кўрсаткичларнинг ўсиши сайёҳлик соҳасининг тизимли ривожланаётганини, шунингдек, Қозоғистоннинг маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун жозибадорлиги ортиб бораётганини кўрсатмоқда.



вожлантириш йўллари юзасидан фикр алмашидик. Бундан ташқари, маданият, таълим ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди. Бугунги учинчи йиғилиш кун тартиби жуда мазмунли. Делегацияларимиз ҳамкорликнинг барча соҳаларини ҳар томонлама муҳокама қилдилар, – деди Мажлис раиси.

Палата раиси ўзбекистонлик ҳамкасбларига Конституция лойиҳаси юзасидан референдум натижалари ҳақида маълумот берди. Ерлан Қўшанов янги Конституция Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев президентлигининг дастлабки кунидан эътиборан амалга оширган кенг қўламли ислохотлар натижаси эканлигини ва у бутун Қозоғистон жамиятининг интилишларини аниқ акс эттираётганини таъкидлади. Шунинг учун у “Халқ Конституцияси” деб номланди.

Янги Конституциянинг асосий мақсади – Адолатли ва тараққийпарвар Қозоғистонни барпо этишдир. Бундан ташқари, Конституцияда “Инсон давлат учун эмас, балки давлат инсон учун” тамойилига асосланган. Асосий Қомусда инсон ва унинг манфаатлари биринчи ўринда туради.

Парламент ислохоти, Президент ўринбосари ва Халқ кенгаши каби янги институтлар ўзбек депутатлари орасида алоҳида қизиқиш уйғотди. Мажлис раиси кучли Президент, нуфузли Парламент ва ҳисобдор Ҳукумат ўртасидаги мувозанат конституциявий даражада мустаҳкамлангани-

ҳамкорлик мустаҳкамланаётганини таъкидлади. Депутатлар эришилган олий даражадаги келишувларнинг қонунчилик базасини таъминлашга устувор аҳамият қаратади.

Сўнгги йилларда Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида қатор муҳим келишувлар ратификация қилинди. Улар орасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома, фуқароларнинг ўзаро савҳат қилиш шартлари тўғрисидаги шартнома, экология ва атроф-муҳитни таърифлаш ҳақида қилиш соҳасидаги ҳамкорлик, шунингдек, “Марказий Осиё” халқаро саноат ҳамкорлиги маркази фаолиятини тартибга солиш тўғрисидаги битимлар бор. Икки мамлакат депутатлари халқаро парламент анжуманларида, хусусан, Парламентларо иттифоқ, ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси, МДҲ Парламентларо Ассамблеяси ва ТУРКПА доирасида бир-бирини доимий равишда қўллаб-қувватлайдилар. Шунингдек, Марказий Осиё хотин-қизлар мулоқоти доирасидаги тадбирлар мунтазам равишда ўтказилиб, қонунчилик соҳасида тажриба алмашинуви йўлга қўйилган.

Ўз навбатида, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси раиси Нуриддин Исмоилов ҳам 2025 йил Қозоғистон ва Ўзбекистон парламентларининг интеграцияси учун самарали йил бўлганини таъкидлади.

“Парламентларо алоқаларнинг фаоллиги мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишончдан далолат беради. Албатта, бундай ижобий тараққиётнинг асоси муҳтарам

қаратилган муҳим келишувлар имзоланди ва йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилди, – деди Олий Мажлис раиси.

Нуриддин Исмоилов Қозоғистон халқини референдумнинг муваффақиятли ўтгани билан табриклаб, унинг натижалари ушбу жараённинг шаффоқлиги, фуқароларнинг фаол иштироки ва аҳоли орасида ислохотлар кун тартибини юқори даражада қўллаб-қувватлашни намойён этганини таъкидлади. У қозоғистонлик ва ўзбекистонлик парламент аъзолари икки мамлакатнинг стратегик тараққиёт мақсадларини амалга ошириш учун ҳамкорликнинг давом эттирилишига ишонч билдирди. Олий Мажлис раисининг сўзларига кўра, Парламентларо ҳамкорлик кенгашининг роли бу борада беқиёс. У тажриба алмашиш ва қўшма ташаббусларни амалга оширишни назорат қилиш учун самарали ва вақт синовидан ўтган мулоқот майдонига айланмоқда.

Учрашув давомида Қозоғистон Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шериклари “учлиги” қаторида доимий равишда эканлиги таъкидланди. 2025 йилда икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмиси 4,8 миллиард долларни ташкил этди, бу 16 фоизга ўсиш демакдир. Бугунги кунда ўзаро савдо айланмасини 10 миллиард долларга етказиш борасида кенг қўламли мақсад белгиланган.

Мажлис раиси умумий қиймати 1,8 миллиард долларга тенг 78та қўшма лойиҳани



# ЖАРИМА ҲАҚИДАГИ СОҲТА ХАБАРЛАР: ФИРИБГАРЛАР ЯНГИ УСУЛГА ЎТДИ

**Қозоғистонда интернет-фирибгарликнинг янги тури тарқалмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фуқароларни эҳтиёткор бўлишга ва шубҳали хабарларга ишонмасликка чақирмоқда, дея хабар беради ҚР Ички ишлар вазирлиги.**



Фирибгарлар давлат хизматларига бўлган ишончдан фойдаланиб, фуқароларнинг шахсий маълумотларини қўлга киритишга уринмоқда. Жабрланувчиларнинг мобил телефонида давлат алоқа маркази рақамига ўхшаш рақамдан хабарнома келади. Унда сизга маъмурий жарима қўллангани ҳақида ёлгон маълумот берилиб, уни текшириш ёки тўлаш учун ҳавола таклиф этилади.

Ҳавола расмий порталга ўхшаш курунишда бўлиши мумкин, аммо у сохта сайтдир. Фирибгарлар махсус равишда уни eGovga ўхшатиб тайёрлайди. Энг хавфлиси – ҳар қандай автотранспорт рақами ёки ИИН киритилганда ҳам тизим “жарима бор” деб нотўғри маълумот кўрсатиши мумкин.

Рухий босим усули фуқароларни тез қарор қабул қилишга мажбурлашга қаратилган. Сохта сайтда “тўлаш” тугмасини босганда, фойдаланувчидан банк картасининг тўлиқ маълумотлари сўралади. Ушбу маълумотлар фирибгарлар қўлига тушиши билан маблағлар ноқонуний равишда ечиб олинishi мумкин.

Мутахассислар таъкидлашчи, фирибгарликнинг асосий белгиси – ҳатто нотўғри маълумот киритилганда ҳам тизим доим “жарима бор” деб кўрсатиши. Бу усул фойдаланувчинини чалғитиш ва ишончини шакллантиришга хизмат қилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фуқароларга қуйидаги қоидаларга қатъий амал қилишни тавсия этади:

- шубҳали ҳавоаларни очмаслик;
- шахсий ва банк маълумотларини нотаниш сайтларга киритмаслик;
- шошилинч ҳаракат талаб қиладиган хабарларга ишонмаслик;
- жарималарни фақат расмий ва ишончли платформалар орқали текшириш.

Шунингдек, давлат идоралари ҳеч қачон SMS орқали банк маълумотларини сўрамаслиги алоҳида таъкидланади.

Полиция фуқароларни рақамли хавфсизлик қоидаларига амал қилишга чақирмоқда. Эҳтиёткорлик – фирибгарликнинг олдини олишда энг самарали йўлдир.

&gt;&gt;&gt; Тайинлов

СОБИР РАҲИМОВ НОМЛИ  
МАКТАБДА ЯНГИ ДИРЕКТОР

Саврон тумани Эски Иқон қишлоғидаги Собир Раҳимов номи мактабга янги раҳбар – Ахтамхон Ахтамов (тасвирда) директор этиб тайинланди.



А. Ахтамов 1987 йили 25 апрелда Эски Иқон қишлоғида туғилган. Мактабдан сўнг А. Яссавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университетининг табиий фанлар факультетида олий маълумот олди. Меҳнат фаолияти 2012 йили 25-сонли умумтаълим мактабида тарих-география фани ўқитувчиси сифатида бошлади. 2016 йили Халқлар дўстлиги Қозоғистон муҳандислик-педагогика университетини тамомлади. 2019 йилдан директорнинг ўринбосари лавозимида фаолиятини давом эттирди.

Оилали. Умр йўлдоши Муножат Ахтамова билан тўрт фарзанд тарбиялашмоқда.

Ш. МАДАЛИЕВ.

**PS:** “Жанубий Қозоғистон” тахририяти газета саҳифаларида чоп этилаётган мақолалар муаллифи, фаол обуначи Ахтамхон Нузур ўғлини масъулиятли лавозимга тайинланиши муносабати билан мактаб жамоаси, ҳамкасблари, ота-оналар, ҳамқишлоқлари номидан муборакбод этиб, мустақкам саломатлик, фаолиятида зафарлар тилайди.

&gt;&gt;&gt; “Жанубий Қозоғистон” газетасига 35 йил

ҲАМЗА НОМЛИ МАКТАБ –  
ОБУНАДА ПЕШҚАДАМ

ҚР Мустақиллиги билан тенгдош қадрдон “Жанубий Қозоғистон” газетасига 2026 йилнинг иккинчи ярмига обунда Дилбар Дийметова (тасвирда) раҳбарлик қилаётган 108 ёшдаги Ҳамза номли мактаб жамоаси вилоятда пешқадам.



Хусусан, мактаб маъмурияти куни кеча қатор йиллар изчил давом этаётган анъана – 200 нусха “Жанубий Қозоғистон” га шартнома асосида обунани расмийлаштирди.

Вилоятимиздаги ўзбек тилида таълим берувчи умумтаълим мактаблари жамоаларини обуна борасида Туркистон шаҳридаги Ҳамза номли мактабдан ўрнак олиб, она тилимизда давлатимизнинг тинчлик-тотувлик сиёсатини тарғиб этаётган расмий нашрни амалда қўллаб-қувватлашга чақирамиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.  
Муаллиф тасвири.

&gt;&gt;&gt; Отам – давлатим, онам – жаннатим

БИЗ ФАРЗАНДЛАР  
УЧУН УЛАР ИБРАТ МАКТАБИ

Падари бузрукворим Атантой Исмоилов 1936 йили 30 апрелда, волидаи муҳтарамам Бахро Қосимова ўша йили 20 апрелда таваллуд топган. Онажоним, ҳозирги Т. Айтжанов номи мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

Моҳир ва чевар тикувчи эди. Тунлари ўтириб, келинларнинг сарпосини тикар, бизларни ҳам ёнларига ўтқазиб, тикувчилик сир-асрорини кунт билан ўргатарди. Турли таомларни тайёрлашда беқиёс пазанда эди. Ойимни Зулайҳо деб қақирларди, сабаби опаларининг исмини қў-

Хонадонимизда мол сўйилса, қариндошларни овқатга қақириб ҳамда гўшт улашиш одати бор эди. Қишлоқда ёки қариндошларда бирор муаммо туғилса, албатта дадам бошчилигида хонадонимизда йигилиб, ҳал қилишарди. Ҳамқишлоқлари, қадрдон дўстлари орасида обрўли, етти ўлчаб



йишган экан. 11 фарзанд тарбиялаб вояга етказган қаҳрамон она, меҳрибон аяжонимизнинг тикувчилиги, пазандалик хислатларини биз қизлари пухта ўзлаштирганмиз.

Дадам собиқ Туркистон туманидаги дондор “Ленинизм” жамоа хўжалиги идорасида самарали меҳнат қилган. Хусусан, тафтиш комиссияси раиси лавозимида ишлаган. Қўли очиқ, саховатли инсон эдилар.

бир кесадиган, сўзи ўткир инсонлардан эди. Улар бахтли ҳаётлари давомида беш ўғил, олти қиз тарбиялаб, вояга етказишган. Биз, қизлари дадани тавсияси билан онамиз изидан бориб устозлик касбини танладик. Мен Т. Айтжанов номи мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан, синглим Дилфуза меҳнат фанидан дарс берамиз. Кенжа синглим Дилноза Р. Исетов номи мактабда

математика фани ўқитувчиси. Укаларим Мирзақарим Саврон тумани марказидаги шифохонада фельдшер, Шокарим “Ақ жол” ташкилотиде бригадир, Қаҳрамон “Нур-Строй” корхонасида оператор.

Келинлари Анвара ва Элмира бошланғич ҳамда ўзбек тили фани устозлари. Акаларим Абдукарим пайвандловчи уста, умр йўлдоши Сарвар дондор те-

римчи ва собиқ фаол коммунист, шу йил май ойида етмишга тўлади, Маткарим – механизатор. Опаларим Матлуба, Карима, Махсума нафақадаги уй бекалари. Келинлари Зухра, Онажон уй бекалари ва тикувчи. Ҳаётда ота-онамиз ўғит, маслаҳати ва тарбиясига амал қилиб, кам бўлмадик. Дадамиз 73 ёшида, онамиз 63 ёшида фонийдан чин дунёга рихлат қилдилар. Ортида яхши из қолдирган бу азиз инсонларнинг охирати обод бўлсин.

Биз фарзандлар ҳамда пири бадавлат улкан хонадонда камол топган 40 невар ва 61 эварлар ҳамда уларни билган, қадрлаган барча инсонлар қалбида улар мангу барҳаёт.

**Наргиза ИСМОИЛОВА,**  
Саврон тумани  
**Т. Айтжанов номи**  
**мактабининг ўзбек**  
**тили ва адабиёти**  
**ўқитувчиси.**

**Тасвирларда:** А. Исмоилов ва Б. Қосимова; оила даврасида.

&gt;&gt;&gt; Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигига

## ТУРКИСТОН ВА АМИР ТЕМУР

1336 йили 9 апрелда Шаҳрисабз яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида туғилган соҳибқирон Амир Темур йирик лашкарбози сифатида жаҳоннинг 27 давлатини забт этган ҳамда улкан бунёдкорлик ишларини олиб борган.



1405 йили февраль ойида 69 ёшида ҳозирги Туркистон вилоятининг Ўтрор заминида Хитойга ҳарбий юриш чоғида вафот этган. Икки йил муқаддам “Жанубий Қозоғистон” газетаси, ҚР “Дўстлик” ҳам-жамияти саъй-ҳаракатлари, вилоят ҳокимлиги ва маданият вазирлиги кўлиби билан Арслонбоб зиёратгоҳи яқинида Ўтрор шаҳарчасига олиб борадиган улкан йўл муюлишида соҳибқиронга аталган ёдгорлик мажмуаси давлат бюджети ҳисобидан бунёд этилди. Тахририятга шу ҳақда мурожаат қилган кўлаб муштарийларимиз, хусусан, фахрий отахонлар Тўлқин Саидмуродов, Обиддин Фахриддиновларнинг кўп йиллик орзулари ушалди.

Туркистон шаҳридаги жаҳонга доврўқли Ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини А. Темур олтимиш ёшида қурдирган. Мақбара ичкарасида ушбу нодир меъморчилик ёдгорлиги иморати А. Темур

ташаббуси билан бунёд этилганлиги бир неча тилда ёзиб кўйилган. Тўлқин Саидмуродовнинг саъй-ҳаракатлари ила Туркистон шаҳар ҳокимлиги, Ҳазрати Султон давлат тарихий кўриқхона музейи маъмуриятининг муҳташам бинолари Амир Темур кўчасида жойлашган. Шу кўчада соҳибқироннинг улкан портрети ўрнатилган жамоат кўлиги бекати ҳам А. Темур номи билан юритилди. Шаҳарда вилоятда ягона А. Темур номи умумтаълим мактаби фаолият юратади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

**Тасвирларда:** А. Темур бунёд этган А. Яссавий мақбараси биноси; Ўтрор туманида Арслонбоб зиёратгоҳи қошида соҳибқирон хотирасига барпо этилган ёдгорлик мажмуаси пойида; Мақбара яқинидаги марказий кўчага А. Темур номи берилган; А. Темур номидаги жамоат кўлиги бекати.

Муаллиф тасвири.

ИЖОДКОРЛАР –  
МУЛОҚОТ МАЙДОНИДА

Сайрам туманининг Оқсувкент қишлоғидаги “Ардақты ана” музейида “Ижодкор” адабий бирлашмасининг навбатдаги йиғилиши ўтди.

Унда бирлашма раиси З. Мўминжонов таниқли ижодкорлар Р. Дўстонова, Б. Муталов, У. Каримова ва С. Акешовларни Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасига аъзоликка қабул қилинганликлари билан қутлаб, эзгу тилақларини билдиришди. Шундан сўнг у жорий йилнинг 1-чорағида амалга оширилган ишлар ҳақида, шунингдек, май ойида ўтказилиши режаланган Қозоғистон ўзбек ижодкорларининг 1-симпозиумига тайёргарлик борасида ахборот берди.

Йиғилишда, шунингдек, мазкур анжуманга бағишлаб нашр қилинаётган қозоғистонлик ўзбек ижодкорлари ҳақидаги рисола-маълумотнома, таниқли қозоқ адиблари М. Қўлқенов ва Қ. Бегмановларнинг Тошкент шаҳрида ўзбек тилида чоп этилаётган китоблари, бирлашмага янги аъзоларни қабул қилиш ва “Ижодкор” адабий бирлашмасининг аъзолик гувоҳномаларини янгилаш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, А. Пратов, А. Абдуғафоров, П. Абдуазимова, О. Аҳмедова, Р. Дўстонова, У. Каримова, К. Солибеков ва бошқа ижодкорлар кун тартибидagi масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

З. АҲМАДЖОНОВ.

Директор – Бош муҳаррир  
Райимжон Ортиқбой ўғли  
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАҚИРОВ,  
Авазхон БУРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомира МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.  
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.  
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90  
Тулқибоб – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.  
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97  
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82  
Кенев, Сўзөк – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий  
газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

«Мақолалар, эълон ва билдирүүларида факт  
ҳақида далилларнинг тўғрилиги учун муаллиф-  
лар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.  
«Фойдаланилмаган мақолалар ва эълонлар  
қайтарилмайдир.»

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги  
томонидан 2026 йил 1 апрелда рўйхатга олинди.  
КЗ64VPY00145638 гувоҳнома берилган.

“ERNUR”нинг МБЕ босмахонасида чоп этилди.  
Шимкент шаҳри, Т. Алимутов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,  
Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.  
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 10500 нусха.

Бўёқма,  
742

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОЕВА.